

Искандаров Ш.О.

Тошкент давлат шарқшунослик институти
“Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти”
кафедраси ўқитувчиси

МАМЛАКАТ ТУРИЗМ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада туризм раҷобатбардошлигини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган, хусусан саёҳат ва туризм раҷобатбардошилиги индексини ҳисоблашнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: туризм, туризм раҷобатбардошилиги, туризм инфратузилмаси, туризм индустряси, саёҳат ва туризм раҷобатбардошилиги индекси.

Аннотация. В статье анализируются особенности оценки конкурентоспособности туризма, в частности рассмотрены некоторые аспекты рассчёта индекса конкурентоспособности путешествий и туризма.

Ключевые слова: туризм, конкурентоспособность туризма, инфраструктура туризма, индустрия туризма, индекс конкурентоспособности путешествий и туризма.

Abstract. The article analyzes the features of assessing the competitiveness of tourism, in particular, some aspects of calculating the index of competitiveness of travel and tourism are considered.

Keywords: tourism, tourism competitiveness, tourism infrastructure, tourism industry, travel and tourism competitiveness index.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, аҳоли даромадлари ортиб бориши, транспорт-алоқа тизимининг ривожланиши сингари бир қатор омиллар халқаро туризмнинг барқарор ва тез суръатларда ривожланишига замин яратди. Бугунги кунга келиб туризм жаҳон иқтисодиётида муҳим соҳалардан бирига айланди. Бир қатор кўрсаткичлар туризмнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини ифодалайди. Масалан, 1990 йилда туристлар сони 435 млн., 2000 йилда 669 млн. нафарни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб халқаро сайёҳлар оқими 1 млрд. 323 млн. дан (2018 йил 1,4 млрд.), туризмдан олинган даромад эса 1,332 трлн. АҚШ долларидан ошди. Туризмнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 10 фоизни, жаҳон товар ва хизматлар экспортидаги улуши эса 7 фоизни, хизматлар экспортдаги улуши 30 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткичлар билан туризм бизнеси ҳажми нефт, озиқ-овқат ёки автомобиллар экспорти ҳажмини ортда қолдирмоқда. Иқтисодиётда банд бўлган ҳар 10 нафар аҳолининг биттаси туризм соҳасида фаолият кўрсатади. Шунингдек, туризм қурилишдан тортиб то кишлоқ хўжалиги ёки телекоммуникация сингари бир қатор тармоқлар ривожланишига ҳисса қўшади. Ушбу кўрсаткичлари орқали туризм мамлакатлар ижтимоий-иктисодий тараққиётининг муҳим

драйверларидан бирига айланди.¹ Шундан келиб чиққан ҳолда жаҳоннинг аксарият мамлакатлари туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Туризм индустряси ва инфратузилмасини ривожлантириш мамлакатларнинг жаҳон туризм бозорида ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди.

Мамлакатларнинг туризм рақобатбардошлигини баҳолаш туризм индустряси ва инфратузилмаси ривожланганлик даражасини, муаммоларни аниқлаш ва туризмни ривожлантириш истиқболларни белгилаб олиш имконини беради. Мамлакат туризм рақобатбардошлигини баҳолашни шартли равишда икки йўналишга бўлиш мумкин. Биринчи йўналиш бу – мамлакатга ташриф буюрган хорижий сайёхлар ва туризмдан олинган даромадлар бўйича туризм рақобатбардошлигини баҳолаш. Ушбу йўналиш туризм рақобатбардошлигини баҳолашнинг содда усули ҳисобланади. Мантиқан ёндошганда бу тўғри бўлиб, мамлакатга кўп турист ташриф буориши ва туризмдан юқори микдорда даромад олиниши мамлакатнинг жаҳон туризм бозорида рақобатбардош эканлигини ифодалайди.

1-жадвал.

Туристлар ташрифи ва туризмдан олинган даромадлар бўйича етакчи мамлакатлар (млн. нафар ва млрд. АҚШ доллари, 2017 йил)

Ўрни	Мамлакат	Туристлар сони, млн. нафар	Мамлакат	Даромад, млрд. АҚШ доллари
1	Франция	86,9	АҚШ	210,7
2	Испания	81,8	Испания	68,0
3	АҚШ	75,9	Франция	60,7
4	Хитой	60,7	Тайланд	57,5
5	Италия	58,3	Буюк Британия	51,2
6	Мексика	39,3	Италия	44,2
7	Буюк Британия	37,7	Австралия	41,7
8	Туркия	37,6	Германия	39,8
9	Германия	37,5	Макао (Хитой)	35,6
10	Тайланд	35,4	Япония	34,1

Манба: World Tourism Organization (2018), UNWTO Tourism Highlights, 2018 Edition, UNWTO, Madrid. 20 p. P.8

Туристлар ташрифи бўйича 2017 йилда Франция етакчилик қилиб, мамлакатга 87 млн. нафарга яқин турист ташриф буюрган. Умуман олганда оммабоп туристик йўналишлар ўнлигига кирган мамлакатларнинг олтитаси ривожланган мамлакатлардир. Туризмдан олинган даромадлар рейтингида кескин ўзгаришлар бўлиб, гарчи АҚШга 76 млн. нафарга яқин турист ташриф буюрган бўлсада, туризмдан 210,7 млрд. доллар ёки Францияга нисбатан деярли 3,5 баробар кўп даромад олган. АҚШга ташриф буюрган ҳар бир турист

¹ Статистик маълумотлар жаҳон туризм ташкилоти вебсайтидан олинган. <http://www2.unwto.org/content/why-tourism>

ўртacha 2776 доллар сарфлаган бўлса, Францияга ташриф буюрган ҳар бир турист ўртacha 700 долларга яқин маблағ сарф қилган. Туристлар ташрифи бўйича етакчи ўнликка кирмаган Австралия, Макао, Япония сингари мамлакатлар туризмдан олинган даромадлар бўйича етакчи мамлакатлар қаторидан жой олган. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали мамлакат жаҳон туризм бозорида қанчалик рақобатбардош бўлса, шунчалик кўп хорижий туристлар ташриф буюриши ва туризмдан юқори даромад олиш мумкинлигини хулоса қилиш мумкин.

Мамлакат туризм рақобатбардошлигини баҳолашнинг иккинчи йўналиши туризм индустрияси ва инфратузилмаси ривожланганлигини белгилаб берувчи комплекс кўрсаткичлар тизимидан иборат ҳисобланади.



1-расм. Саёхат ва туризм рақобатбардошлиги индекси кўрсаткичлар таркиби.

Манба: The Travel & Tourism Competitiveness Report 2017 World Economic Forum.
Geneva. 387 p. P. 7

Жумладан, бутун жаҳон мамлакатлари туризм рақобатбардошлигини аниқлашда Жаҳон иқтисодий форуми эълон қиласидан Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индекси мавжуд бўлиб, унда 140 яқин мамлакатлар туризм индустрияси таҳлил қилинади. Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индекси Жаҳон иқтисодий форуми томонидан 2007 йилдан буён эълон қилиб борилади. Ташкилот ҳисботларида мамлакатлар туризм рақобатбардошлигини таҳлил қилиш туризмни ривожлантиришни олдига мақсад қилиб қўйган бизнес ва ҳукумат вакиллари учун қарорларни қабул қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши таъкидланади. Индекс туризм ривожланишига таъсир этувчи омилларни комплекс қамраб олган бўлиб, бу эса мамлакатларга айнан қайси соҳалар ривожланишида муаммолар борлиги тўғрисида маълумот беради. Агар ушбу муаммоларни бартараф қилинса туризм барқарор ривожланиши, жаҳон туризм бозорида мамлакат рақобатбардош бўлиши мумкин.

2017 йилда эълон қилинган ҳисботга 136 мамлакат киритилган бўлиб, маълумотлар базасини шакллантиришда Жаҳон иқтисодий форуми Deloitte, Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA), Табиатни муҳофаза қилиш халқаро бирлашмаси (IUCN), Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO), Жаҳон саёҳат ва туризм кенгashi (WTTC), Bloom Consulting, шунингдек туризм индустриясидаги йирик фирмалар билан ҳамкорлик қилган.

Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индексини ҳисоблашда 14 гурухга жамланган 90 та қўрсаткичлардан фойдаланилади. Ўз навбатида 14 гуруҳдаги қўрсаткичлар тўртта субиндексларга бўлинган (1-расм). Маълумотлар компаниялар ўртасида ўтказилган глобал сўров натижалари ва статистик қўрсаткичлар асосида шакллантирилади ва ҳар бир қўрсаткич 1-7 балл оралиғида баҳоланади. Ўзгармас қўрсаткичлар қуидаги формулалар орқали ҳисобланади:²

$$6 \times \left(\frac{\text{мамлакатга берилган балл} - \text{танланма минимум}}{\text{танланма максимум} - \text{танланма минимум}} \right) + 1$$
$$- 6 \times \left(\frac{\text{мамлакатга берилган балл} - \text{танланма минимум}}{\text{танланма максимум} - \text{танланма минимум}} \right) + 7$$

Ўзгарувчан қўрсаткичларни ягона индикатор сифатида шакллантириш учун оддий ўртача агрегациядан фойдаланилади.

Куйида индекснинг 14 гуруҳига ажратилган қўрсаткичларини қисқача тавсифласак:

- “Қулай муҳит” субиндексига таалуқли “Бизнес муҳити” қўрсаткичини баҳолашда мулк ҳуқуки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келишига қонунчиликнинг таъсири, баҳсли ҳолатларни ҳал этишда қонунчилик базасининг самарадорлиги, курилишга рухсат олишга кетадиган вақт ва харажат, бизнесни рўйхатдан ўтказиш вақти ва харажатлари, солиқ ставкалари, солиқларнинг бизнес фаолиятини ва инвестицияларни

² The Travel & Tourism Competitiveness Report 2017 World Economic Forum. Geneva. 387 p. P. 352

рағбатлантиришга таъсири ҳисобга олинади. Туризм ривожланиши учун хавфсизлик масалалари энг муҳим кўрсаткич бўлиб, бунда жиноятчилик, тинчлик даражаси ва хавфсизликни таъминловчи органлар фаолиятининг ишончлигиги аниқланади. Соғлиқ ва гигиена кўрсаткичини ҳисоблашда ҳар 1000 кишига тўғри келадиган шифокорлар сони, санитария ҳолати, тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси, ҳар 10000 кишига тўғри келадиган касалхоналардаги ўринлар, юқумли касалликларнинг тарқалиш даражаси инобатга олинади.

Аҳолини бошланғич ва ўрта таълимга қамраб олиниш, мутахассислар тайёрлаш даражаси, малакали мутахассислар топиш осонлиги, ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш жараёнлари, ойлик маош миқдори сингари мезонлар инсон ресурслари ва меҳнат бозори, интернет ва телекоммуникацияларнинг ривожланганлиги эса АҚТ кўрсаткичларини баҳолашда фойдаланилади.

— “Туризм сиёсати ва қулай шароит” субиндекси давлатнинг туризмни ривожлантиришдаги устувор йўналишлари, туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган харажатлар, туристларни жалб этиш мақсадида олиб борилган маркетинг самарадорлиги, Жаҳон туризм ташкилотининг туризм статистикаси бўйича тавсия қилган кўрсаткичларнинг мавжуд бўлиши, мамлакат бренд стратегияси рейтингги (мамлакат туристик брендларининг интернетда неча марта қидиравга берилганлиги орқали аниқланади), виза олиш талаблари, икки томонлама авиақатновлар бўйича келишуввлар мавжудлиги, амалда мавжуд бўлган минтақавий савдо келишувлари сони, билет ва аэропорт йигимларига белгиланган соликлар, меҳмонхона нархлари индекси, харид қобилияти паритети, ёқилғи нархлари, экологик нормалар қатъийлиги, саёҳат ва туризм индустрисининг барқарор ривожланиши каби кўрсаткичларни қамраб олган.

— Инфратузилманинг ривожланганлигини аниқлашда ҳаво транспорти инфратузилмаси сифати (2017 йилда хорижий туристлар оқимининг 55 фоизи ҳаво, 39 фоизи автомобил, 4 фоизи сув, 2 фоизи темир йўл транспортидан фойдаланган.³ Туризмни ривожлантиришда ҳаво транспорти инфратузилмаси катта аҳамиятга эга), ички ва халқаро рейслардаги йўловчилар оқими, ҳар минг кишига тўғри келувчи авиташувчиларнинг ички ва халқаро рейслар сони, ҳар миллион кишига тўғри келувчи аэропортлар сони, мамлакатда доимий рейсларни амалга оширадиган авиакомпаниялар сони, автомобил йўллари, темир йўл ва портлар сифати ва самарадорлиги (сўровнома асосида), 100 км² га тўғри келадиган йўл ва қаттиқ қопламали йўллар, темир йўл узунлиги, ҳар 100 кишига тўғри келадиган меҳмонхоналардаги жойлар, туризм инфратузилмаси сифати, автомобилларни ижарага берувчи йирик компаниялар мавжудлиги, ҳар бир вояга етган 100000 кишига тўғри келадиган банкоматлар сони сингари кўрсаткичлардан фойдаланилади.

— Табиий ва маданий ресурслар салоҳияти мамлакатда мавжуд бутунжаҳон мероси ҳисобланган табиий ва маданий объектлар сони, барчага

³ Статистик маълумотлар жаҳон туризм ташкилоти вебсайтидан олинган. <http://www2.unwto.org/content/why-tourism>

маълум бўлган ҳайвон ва қуш турлари сони, муҳофазага олинган ҳудудлар, табиий ва маданий туризмга бўлган “ракамли талаб” (табиий ва маданий брендлар (пляж, дайвинг, балиқ ови, сёрфинг, сув ва қиши спорт турлари, муҳофазага олинган ҳудудлар, агротуризм, тарихий жойлар, маҳаллий анъаналар, музейлар, шаҳар туризми, диний туризм, миллий ошхона, кўнгилочар парклар, маҳсус тадбирлар ва ҳоказо)нинг интернетдаги қидирув натижалари орқали аниқланади. Ҳисобот даврида 9 та тилдаги 3 818 000 та калит сўзлар таҳлил қилинган⁴), табиий ресурсларнинг туристларни ўзига жалб этиш даражаси, оғзаки ва номоддий маданий мерос, йирик спорт стадионларининг мавжудлиги ва сони (20000 дан ортиқ ўринга эга стадионлар мавжудлиги мамлакатга йирик спорт тадбирларини қабул қила олиш имконини беради), халқаро ассоциациялар ўтказадиган йиғилишлар сони орқали баҳоланади.

2-жадвал.

Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индекси-2017 рейтинги

Мамлакат	Рейтингдаги ўрни	Индекс	2015 йилга нисбатан ўзгариш
Испания	1	5.43	0
Франция	2	5.32	0
Германия	3	5.28	0
Япония	4	5.26	5
Буюк Британия	5	5.20	0
АҚШ	6	5.12	-2
Австралия	7	5.10	0
Италия	8	4.99	0
Канада	9	4.97	1
Швейцария	10	4.94	-4
Гонконг	11	4.86	2
Австрия	12	4.86	0
Сингапур	13	4.85	-2
Португалия	14	4.74	1
Хитой	15	4.72	2
Янги Зеландия	16	4.68	0
Нидерландия	17	4.64	-3
Норвегия	18	4.64	2
Корея Республикаси	19	4.57	10
Швеция	20	4.55	3

Манба: The Travel & Tourism Competitiveness Report 2017 World Economic Forum. Geneva. 387 p. P. 9

2017 йилги рейтингда Испания етакчиликни сақлаб қолди, кейинги ўринларни Франция, Германия, 2015 йилдаги рейтинга нисбатан 5 поғона юқорилаган Япония, Буюк Британия эгаллаган. Рейтингда АҚШ икки, Швейцария тўрт поғона пастлаган. Европа ва Евросиё минтақасининг олтига

⁴ The Travel & Tourism Competitiveness Report 2017 World Economic Forum. Geneva. 387 p. P. 360-361

мамлакати етакчи ўнликдан жой олган. Табиий ресурсларга бой бўлган Америка минтақасидан АҚШ (6), Канада (9), Мексика (22) ва Бразилия (27) рейтингда дастлабки 30 мамлакат қаторига кирган. Осиё-Тинч океани минтақасидан Япония, Корея Республикаси, Ҳиндистон рейтингдаги ўрнини яхшилаган 15 мамлакатлар тоифасига кирди. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақасида БАА (29) етакчи бўлиб, мамлакат АҚТ ривожланганлиги, ҳаво ва ер транспорти инфратузилмаси, бизнес мухити, муҳофаза ва хавфсизлик бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этган. Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган Африка мамлакатларида бирмунча паст кўрсаткичлар бўлиб, Жанубий Африка Республикаси (53), Мавритания (55), Кения (80) ва Намибия (82) минтақанинг энг туризм рақобатбардош иқтисодиётлари саналади.

Бундан ташқари мамлакатлар туризм рақобатбардошлигини баҳолашда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) Туризм қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизимидан ҳам фойдаланиш мумкин.

3-жадвал.

ИҲТТ томонидан ишлаб чиқилган туризм рақобатбардошлигини аниқловчи мухим кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Шарҳ
Туризм соҳасида бошқарув	Туризм соҳаси ривожланишини давлат томонидан қўллаб-куватлаш, туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида ажратилган маблағлар, туризм стратегиясини ишлаб чиқиш, туристлар муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш, туризм индустрисида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, вертикал ҳамкорлик, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган бизнес вакилларини қўллаб-куватловчи институтлар мавжудлиги (масалан, туризм масалалари бўйича миллий кенгаш)
Турмаҳсулот ишлаб чиқиши	Турмаҳсулотларни диверсификациялаш, инновацияларни жорий этиш, инвестициялар жалб қилиш, бозор улуси, кўшилган қийматни ошириш, юқори ҳажмли туризм бозори сегментларини ривожлантириш, туризм бозори истиқболи
Туризм хизматлари сифати	Туризм хизматлари сифатини яхшилаш, ҳаёт сифати, ижтимоий адолат, истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш
Нарх рақобатбардошлиги	Нарх, валюта курси, нарх ва сифат нисбати
Инфратузилма	Инфратузилмани ривожлантириш, мамлакатларнинг жойлашуви
Брендни шакллантириш	Маркетинг, туристларни ахборот билан таъминлаш, туризм бозорини диверсификация қилиш
Табиий ва маданий ресурслар	Барқарорлик, иқлим, биохилма-хиллик, миллий ошхона
Инсон ресурсларини ривожлантириш	Билим, таълим ва малака ошириш, меҳнат унумдорлиги, туризм ўкув марказлари

Манба: Dupeyras, A. and N. MacCallum (2013), “Indicators for Measuring Competitiveness in Tourism: A Guidance Document”, OECD Tourism Papers, 2013/02, OECD Publishing. P. 16

ИҲТТ томонидан ишлаб чиқилган туризм рақобатбардошлигини аниқловчи кўрсаткичлар ташкилотга аъзо мамлакатларда туризмни янада ривожлантириш бўйича тавсиявий характерга эга бўлиб, ушбу кўрсаткичлар бўйича рейтинг тузилмаган. ИҲТТга аъзо бўлган аксарият мамлакатларда туризм яхши ривожланган бўлиб, туризм бозорини янада ривожлантириш ва рақобатбардошлигни сақлаб қолишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги бўйича аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликда тавсиялар ишлаб чиқилган. ИҲТТ тавсияларининг Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индексидан фарқли жиҳатлари сифатида туризм индустриясида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, турмаҳсулотларни диверсификациялаш, инновацияларни жорий этиш, туризм хизматлари сифатини яхшилаш, туризм хизматларида нарх ва сифат нисбатига эътибор қаратиш, туризм бозорини диверсификация қилишни келтириб ўтиш мумкин. Бунда, айнан сифат кўрсаткичларига катта эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ташриф буюрган туристлар сони ва туризмдан олинган даромадлар бўйича мамлакатлар туризм рақобатбардошлигини баҳолаш миқдорий кўрсаткичлар бўлса-да, туризм индустрияси ва инфратузилмаси яхши ривожланган мамлакатларга кўп турист ташриф буориши ва ушбу мамлакатлар туризмдан юқори даромад олишини таъкидлаш лозим. Бу эса мамлакатда сифат кўрсаткичлари ҳам юқори эканлигини ифодалайди. Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индексида туризм индустриясига оид ҳар бир жиҳат батафсил таҳлил қилинганлиги ҳукumatлар ва бизнес вакилларига туризмни ривожлантиришда қайси омилларга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида хулосалар қилиш имконини беради. Бу айниқса ривожланаётган туризм бозорлари учун муҳим ҳисобланади. Мамлакатлар рейтингдан келиб чиқсан ҳолда туризм ривожланишида мавжуд муаммоларни бартараф қилиш устида иш олиб борса, хорижий туристлар сони ва туризмдан олинган даромадлар ҳам ортиб бориши мумкин. Хусусан, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғи даражасига олиб чиқиши мақсад қилинган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги индекси рейтингида Ўзбекистоннинг иштирок этиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун Жаҳон иқтисодий форуми билан ҳамкорликни ривожлантириш талаб этилади. Рейтинг мамлакатимиз туризм индустрияси ва инфратузилмаси ривожланишида ортда қолаётган жиҳатларни кўрсатиб беради. Индекс кўрсаткичларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун бизнес муҳитини янада яхшилаш, соғлиқни сақлаш ва гигиена талаблари бўйича жаҳон стандартлари кўрсаткичларига эришиш, туризм соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, интернет тезлиги ва қамровини ошириш, меҳмонхона хизматларининг нарх рақобатбардошлигини таъминлаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, туристларни мамлакатимиз тўғрисида етарли маълумотлар билан таъминлаш сингари йўналишларда катта ҳажмли ишлар олиб борилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Dupeyras, A. and N. MacCallum (2013), “Indicators for Measuring Competitiveness in Tourism: A Guidance Document”, OECD Tourism Papers, 2013/02, OECD Publishing. 65 p.
2. International Tourism Results 2018 presentation, UNWTO - 2019. 7 p.
3. The Travel & Tourism Competitiveness Report 2017 World Economic Forum. Geneva. 387 p.
4. UNWTO Annual Report 2017, UNWTO, Madrid - 2018. 106 p.
5. World Tourism Organization (2018), UNWTO Tourism Highlights, 2018 Edition, UNWTO, Madrid. 20 p.
6. Кабиров И.С. Рейтинг привлекательности стран в сфере туризма. International Research Conference on Economics, Arts and Sciences, Sweden, Uppsala, July 31th, 2017 Section 4. International tourism transport research. 332-346 p. <https://www.researchgate.net/publication/319009127>
7. <http://www.data.worldbank.org>
8. <http://www.oecd.org>
9. <http://www.unwto.org>